UZCE
uzbek exchange

2023 ЙИЛ ЯНВАРЬ-ФЕВРАЛЬ ОЙЛАРИ БЎЙИЧА “ЎЗРВБ” АЖ БОЗОРЛАРИ ШАРҲИ




@uzrvb_uz @uzrvbinfo @uz_ce_


2023 йил январь-февраль якунлари бўйича “Ўзбекистон республикаси валюта биржаси” АЖ (ЎзРВБ) бозорлари шарҳи

2023 йил январь-февраль ойларида ЎзРВБдаги савдолар умумий ҳажми - **163,10 трлн.** сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос кўрсаткичига нисбатан 105,42%га ошди.

ЎзРВБда савдоларнинг умумий ҳажми



ЎзРВБ бозорларининг умумий савдо ҳажмидаги улуши




Валюта бозори

ЎзРВБ валюта бозорида валютавий спот ва своп операциялари амалга оширилади. Бугунги кунда, ушбу бозорда USD/UZS, EUR/UZS, RUB/UZS ва CNY/UZS валюта жуфтликлари бўйича инструментлар жорий этилган.

2023 йил бошидан валюта бозоридаги савдолар умумий ҳажми **74,53 трлн.** сўмни ташкил этиб, ўтган йилги мос кўрсаткичга (38,26 трлн. сўм) нисбатан 94,78% ошди.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида валюта бозорида тузилган битимлар улуши умумий савдо ҳажмининг 45,69 фоизини ташкил этди.

Валюта бозоридаги савдолар ҳажмининг қиёсий динамикаси




Пул бозори

ЎзРВБ пул бозорида банкларарo депозит операциялари амалга оширилиб, бир кундан бир йилгача бўлган муддатга маблағларни жойлаштириш/жалб қилиш бўйича битимлар тузилади ҳамда тижорат банкларининг пул маблағларини жалб қилиш бўйича Марказий банкнинг депозит аукционлари ташкил этилади.

2023 йил январь-февраль ойларида пул бозоридаги савдоларнинг умумий ҳажми **74,31 трлн.** сўмни (*банкларарo пул бозори – 48,19 трлн.сўм, Марказий банкнинг депозит аукционлари – 26,12 трлн.сўм*) ташкил этиб, ўтган йилги мос кўрсаткичга (28,67 трлн. сўм) нисбатан 2,5 баробар ошди.


Пул бозоридаги битимларнинг улуши умумий савдо ҳажмининг **45,56 фоизини** ташкил этди.

Пул бозоридаги савдолар умумий ҳажмининг қиёсий динамикаси




Ҳисобот даврида банкларарo пул бозорида 48,19 трлн. сўм миқдорида битимлар тузилди. Бозорда маблағларни жойлаштириш/жалб қилиш бўйича битимлар аксарияти (69,78% ёки 33,62 трлн.сўм) бир кунлик (овернайт) муддати билан тузилди. Бир ҳафтагача бўлган муддатга жойлаштирилган депозитлар улуши 25,46% ёки 12,27 трлн.сўмга тенг бўлди. Қолган муддатлар бўйича тузилган битимлар ҳажми 2,30 трлн. сўм ёки умумий ҳажмнинг 4,77 фоизини ташкил этди.

2023 йил январь-февраль ойида стандартлаштирилган даврлар кесимида банкларaро пул бозори таркиби



2023 йил январь-февраль ойларида “1 кун” муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган даромадлилик қиёсий динамикаси



Ушбу давр мобайнида Марказий банкнинг депозит аукционларида тузилган битимлар ҳажми 26,12 трлн. сўмни ташкил этган бўлиб, битимлар бўйича даромадлилик Марказий банкнинг асосий ставкаси даражасида белгиланди.

Қарз бозори

ЎзРВБ қарз бозорида давлат қимматли қоғозлари (ДҚҚ) - Молия вазирлигининг облигациялари ва мажбуриятлари, шунингдек Марказий банкнинг облигациялари бўйича савдолари амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил 1 февралдан бошлаб ушбу бозорда маркет-мейкерлар фаолияти жорий этилди. ДҚҚ бозорида иккиламчи олди-сотди ва РЕПО операциялари бўйича маркет-мейкер мақомига бирламчи дилерлар – "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ, "Ипак Йўли" АТБ, "Туронбанк" АТБ, шунингдек "Халқ банки" АЖ эга бўлдилар.

Тасдиқланган дастурга мувофиқ, маркет-мейкерлар сотиш ва сотиб олиш бўйича котировкаларни шакллантириш орқали ДҚҚ иккиламчи бозорини ликвидлик билан таъминлаш мажбуриятини оладилар.


Дастур MM-GB STANDARD, MM-GB MEDIUM и MM-GB PREMIUM мақомларни ўз ичига қамраб олган. Бунда, танланган мақом қанчалик юқори бўлса, маркет-мейкер икки томонлама котировкалар ва спрэднинг тор коридори (мос равишда 0,3%, 0,28% ва 0,26%) эълон қилинадиган ва сақлаб туриладиган пассив битимлар ҳажми ва ДҚҚ чиқаришларининг минимал сони бўйича кўпроқ мажбуриятни ўз зиммасига олади.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 14 февралидан бошлаб ЎзРВБ платформасида давлат облигацияларининг T+2 ҳисоб-китоб режимида жойлаштирилиши бошланди.


Ушбу режим доирасида аукционда сотиб олинган ДҚҚ бўйича якуний ҳисоб-китоблар битимлар тузилган кундан кейинги иккинчи савдо кунида амалга оширилиши белгиланган (битимлар тузиш учун маблағларни олдиндан депонентлаш талаб қилинмайди), бу эса савдо иштирокчилари учун ўз пул маблағларини самарали ва оқилона бошқариш имконини беради.

Ҳисобот даврида ДҚҚ бирламчи бозорида жойлаштирилган қимматли қоғозлар ҳажми 12,95 трлн. сўмга тенг бўлди ва 2022 йилги мос кўрсаткичга (11,16 трлн. сўм) нисбатан бир оз кўпайди.

2023 йил январь-февраль ойларида ДҚҚнинг муомала даври бўйича жойлаштирилиши



2023 йил январь-февраль ойларида ўтказилган бирламчи аукционлар натижаларига кўра, муомала даври бир йилгача бўлган қисқа муддатли ДҚҚ бўйича ўртача тортилган даромадлилик 16,40% -17,51% оралиғида ўзгариб турди.




Ҳисобот даврида ДҚҚнинг иккиламчи бозоридаги савдолар ҳажми 0,83 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилги мос кўрсаткичга (1,30 трлн. сўм) нисбатан 0,47 трлн.сўмга камайди.

Шунингдек, ҳисобот даврида 489,8 млрд. сўмлик РЕПО битимлари тузилди. Таққослаш учун, 2022 йилнинг мос давридаги кўрсаткич 2,0 млрд.сўмга тенг бўлган.

Ҳисобот даврида ДҚҚ бозоридаги савдоларнинг умумий ҳажми **14,27 трлн. сўмга** тенг бўлиб, 2022 йилги мос кўрсаткичга (12,46 трлн. сўм) нисбатан 14,51 фоизга кўпайди.

Қарз бозорида савдолар умумий ҳажмининг қиёсий динамикаси



Қарз бозорида тузилган битимларнинг умумий савдолар ҳажмидаги улуши **8,75 фоизни** ташкил этди.

2023 йил 28 февраль ҳолатига ЎзРВБ депозитарийсининг ҳисоб регистрларида номинал қиймати бўйича сақланаётган ДҚҚ ҳажми ўтган йилги мос кўрсаткичга нисбатан 50,80%га ошган бўлиб **26 982,17 млрд.** сўмни ташкил этди.

Шунингдек, 2023 йил январь-февраль ойларида муомала даври кесимида муомала муддати бир йилгача бўлган ДҚҚ улуши кўпроқ бўлди.

ЎзРВБ депозитарийсида ҳисобга олинган муомаладаги ДҚҚ ҳажми

млрд. сўм

Муомала даври	2022 йил 28 февраль ҳолатига	2023 йил 28 февраль ҳолатига	Ўзгариш
3 ойгача	10 200,00	7 200,00	-29,41%
3 ойдан 6 ойгача	4 191,20	10 026,43	139,23%
6 ойдан 1 йилгача	1 579,66	4 557,52	188,51%
1 йилдан 5 йилгача	1 911,79	4 888,22	155,69%
5 йилдан 10 йилгача	10,00	310,00	3000,00%
Жами	**17 892,65**	**26 982,17**	**50,80%**

2023 йил 28 февраль ҳолатига эмитентлар кесимида
ЎзРВБ депозитарийсида ҳисобга олинган муомаладаги ДҚҚ ҳажми

Муомала даври	Молия вазирлиги ДҚҚлари	Марказий банк облигациялари	Жами
3 ойгача	0,00	7 200,00	7 200,00
3 ойдан 6 ойгача	4 026,43	6 000,00	10 026,43
6 ойдан 1 йилгача	4 557,52	0,00	4 557,52
1 йилдан 5 йилгача	4 888,22	0,00	4 888,22
5 йилдан 10 йилгача	310,00	0,00	310,00
Жами	**13 782,17**	**13 200,00**	**26 982,17**

Деривативлар бозори

Мазкур бозорда ҳисоб-китобли фьючерслар, яъни битим тузилган кундаги спот курси ва битимнинг охирги кундаги курси ўртасидаги фарқ тўлаб берилиши белгиланган шартномалар савдоси жорий этилган. Фьючерс шартномалари билан савдолар иккитомонлама узлуксиз (метчинг) усулида «Rhombus derivatives» савдо платформасида амалга оширилади.

Валюта фючерс шартномалари бўйича операциялар ҳажмини ошириш ҳамда ликвидликни таъминлаш мақсадида маркет-мейкерлар фаолияти йўлга қўйилиб, “Капиталбанк” АТБ ва “Ипак йўли” АИКБга маркет-мейкер мақоми берилди. Шунингдек, тегишли маркет-мейкер дастурларида маркет-мейкерларнинг мажбуриятлари ва мукофотлаш тартиби белгиланди.

Бугунги кунда, маркет-мейкерлар ЎзРВБ маркет-мейкерлик дастурларида белгиланган спред қийматлари доирасида ҳам сотиш, ҳам сотиб олиш бўйича буюртмаларни савдо тизимида мавжудлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, ЎзРВБда дефолт ҳолатларини бошқариш самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар доирасида дефолт ҳолати юзага келганда, яъни ЎзРВБда тузилган битимлар бўйича мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаган ҳолда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш мақсадида ЎзРВБ маблағлари ҳисобидан кафолат жамғармаси тузилди.

Ҳисобот даврида деривативлар бозорида амал қилиш муддати 2023 йил 23 феврал бўлган 0,5 млн. АҚШ долларлик 500 та валюта фьючерс шартномаси тузилди.

ЎзРВБ - республиканинг энг йирик ва кўп функцияли биржа платформаси, савдо майдонлари, ҳисоб-китоб ва клиринг тизими ҳамда депозитарийни ўз ичига олган ноёб интеграциялашган тизим бўлиб, валюта, пул ва муддатли бозорларда, шунингдек, давлат қимматли қоғозлари бозорида биржа савдолари ташкилотчиси ҳисобланади.